

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 238 (13.571)

Баҳоси эркин нарҳда

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ТАЛАБЧАНЛИК, ТАРТИБ-ИНТИЗОН, МАСЪУЛИЯТНИ КУЧАЙТИРИШ – ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 28 ноябрь кун Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштириш ва иш самарадорлигини ошириш, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, департаментлар мудирлари, вазирлар, қўмита ва компаниялар раисларининг шахсий масъулиятини кучайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишда Президентимиз қайд этганидек, бугунги кунда ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида кенг қўламли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан ижобий самараларга эришилмоқда. Шу билан бирга, аҳолининг безовта қилаётган кўпгина муаммо ва камчиликлар ҳам ўз ечимини кутиб турибди. Одамларимиз эртага ёки узоқ келажакда эмас, балки бугун яхши яшашни, муносиб ҳаёт кечиришни истади. Шунинг учун биз олиб борилаётган ислохотларни жадаллаштиришимиз, уларнинг сифати ва самарадорлигини янада оширишимиз зарур, деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев ўз сўзида кун тартибидagi масалага чуқур таҳлил асосида танқидий ёндашиб, аксарият раҳбарлар томонидан тартиб-интизом ва масъулиятнинг бушатириб юборилгани, улар ўз фаолиятини замон талаблари асосида ташкил эта олмаётгани, хизмат вазифасига лоқайдлик ва бепарволик билан муносабатда бўлаётгани каби ҳолатлар умумий натижадорликка салбий таъсир кўрсатаётганини таъкидлади.

Мана, яқинда иш фаолиятимизга бир йил тўлади, аҳолимиз, бизга катта умид ва ишонч билдирган халқимиз олдида амалий ишларимиз билан ҳисобот берадиган вақт келди. Ишга янгича ёндашиб, оддий одамларнинг дарди ва ташвиши билан яшаш, фидойилик ва жонқуялик кўрсатиш ижро ҳокимиятининг барча бўғиндаги раҳбар ва мутасаддилари фаолиятининг асосий мезонига айланиши зарур, деди Президентимиз.

Очiq тан олиш керакки, биз ўз олдимизга қўйган, эл-юртимиз қўтаётган натижаларга ҳали тўла эриша олганимиз йўқ. Бу борадаги ишларни фаоллаштириш,

янги босқичга кўтариш мақсадида 27 ноябрь кун "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосарлари, ҳукумат аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарларининг самарали ва натижалли ишини таъминлаш, уларнинг шахсий масъулиятини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмаси қайта шакллантирилиб, янги комплекслар ва вазирлик ташкил этилди.

Қарорга биноан Вазирлар Маҳкамаси тузилмасига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, туризм масалалари комплекси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Таълим, соғлиқни сақлаш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари комплекси раҳбарлари лавозимлари киритилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Инновацион ривожлантириш вазирлиги ташкил этилди.

Ушбу муҳим ўзгаришларнинг сабаблари ҳақида сўз юритар экан, Президентимиз куйдаги фикрларга алоҳида урғу берди.

Биринчидан, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани, мамлакат ҳудудларини ривожлантиришнинг энг муҳим ва долзарб масалаларини ҳал этишнинг шакллари ва усулларини тубдан ўзгариштириш зарур.

Иккинчидан, жорий йил мобайлида вилоятлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳолининг турли қатламлари билан ўтказилган мулоқотлар натижалари бўйича ҳар бир ҳудуд, ҳар бир оила, ҳар бир фуқароннинг ҳаётини муаммоларини ҳал қилишга янада кенг эътибор қаратиш керак.

Учинчидан, ўз зиммасидаги вазифаларни бажариш, зарур натижага эришишни таъминламагани учун турли бўғиндаги раҳбарларни алмаштириш, замонавий билим ва малакага эга бўлган, Ватанга садоқатли, фидойи ёшларга масъулиятли лавозимларни ишониб топширишни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш масаласи биринчи навбатда илм-фан, юксак технологиялар, замонавий инновацион ишланмаларни амалиётга кенг жорий этиш билан узвий боғлиқ эканини таъкидлади. Ва айтиш мумкин, Ўзбекистон Республикасининг Инновацион ривожлантириш вазирлиги ташкил этилганига алоҳида тўхталиб ўтди.

Бизнинг саховатли заминимиз ер ости ва ер усти бойлиқларига, инсон ресурсларига, билимга ва юқори малакали кадрларга бой. Лекин, афсуски, биз мана шундай улкан салоҳиятимиздан унумли ва самарали фойдалана олмаётимиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда иқтисодиёт соҳа ва тармоқларининг барқарор ривожланишини таъминлаш, жумладан, қатъий пул-валюта сиёсатини юритиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини кучайтириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, замонавий саноат корхоналари барпо этиш, янги иш ўринлари яратиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, самарали солиқ сиёсатини шакллантириш, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш, давлат статистикаси тизимини такомиллаштириш каби масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари таълим, соғлиқни сақлаш, туризм, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маданият ва санъат, жисмоний тарбия ва спорт, ёшлар ва хотин-қизлар масалалари билан боғлиқ вазифаларга эътибор қаратди.

Йиғилишда Президентимиз жорий йилда амалга оширилган ишларни чуқур таҳлил қилиш асосида эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, йўл қўйилган камчиликларнинг такрорланмаслиги учун барча зарур чораларни кўриш, айтиш пайтда 2018 йилнинг биринчи чорагида бажариладиган аниқ вазифалар бўйича тегишли кўрсатма ва топшириқлар берди.

Ў.А.

24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов кун

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИГИ ВА ДАСТУРИНИНГ АСОСИЙ Йўналишлари билан газетаимизнинг 3-саҳифасида танишасиз.

XXI саҳоси
Барча манбалардан олинган суҳбат ва маълумотлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан Конституциямиз қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишлаб "Ёшлар поезди" тарғибот акцияси ўтказилди. Таниқли олимлар, кино ва театр актёрлари, спортчилар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолларидан иборат тарғибот гуруҳи аъзолари вилоят маркази ва туманларда, олис ва чекка ҳудудларда бўлиб, аҳоли, жумладан, ёшлар билан учрашди.

● Бухорода "Ёш фермер – 2017" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Бухоро вилояти кенгаши, вилоят фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган танловда 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган 11 нафар ёш фермер қатнашди.

● Фарғона давлат университетида "Марказий Фарғонада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш истикболлари" мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш, интенсив боғлар ташкил этиш, кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

● Наманганда Ўзбекистон Республикасининг "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни талаблари муҳокама-сига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Наманган вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари газеталари, тармоқ ва нодавлат нашрлари муҳаррирлари, вилоят телерадиокомпанияси раҳбарлари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Жанубий Корея қишлоқ хўжалиги вазирлиги парранда гриппи H5N6 штаммига қарши кураш ва унинг олдини олиш мақсадида мамлакатдаги барча парранда фабрикаларида карантин жорий этди. Фермаларда шу пайтга қадар касалланган ва гриппга чалинган гумон қилинган 12 мингдан зиёд парранда йўқ қилинган. Парранда фермалари атрофида 10 километр радиусда карантин ҳудуди ташкил этилган ва парранда маҳсулотларини қайта ишлайдиган 166 та марказда дезинфекция ўтказилмоқда.

● Халқаро футбол федерацияси Россияда 2018 йилда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг гуруҳ босқичига қўра ташлаш маросимининг ўтказилиши билан боғлиқ батафсил маълумотларни эълон қилди. Таъкидлаш жоизки, қўра ташлаш тадбири 1 декабрда Москва шаҳрида давлат Кремль саройида бўлиб ўтади. Маросимни англиялик собиқ футбол юлдузи Гарри Линекер ва россиялик журналист Мария Командная олиб боради. Жаҳон чемпионатининг беллашувлари 2018 йил 14 июндан 15 июлга қадар Россиянинг 11 та шаҳрида бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ПАХТАЧИЛИК ТАРМОҒИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Мамлакатимизда пахтачилик тармоғини ривожлантириш, пахта тозалаш корхоналарини модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш ва пахта хом ашёсини қайта ишлаш рентабеллигини, шунингдек, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг рақобатбардорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, мазкур соҳадаги ишларнинг ҳақиқий аҳоли ишлаб чиқариш жараёнларини тезкор янгилаш ва модернизация қилиш, илгор технологиялар ва корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини жорий этиш, умуман тармоқнинг жадал ривожланишига тўсқин бўлаётган тизимий муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат беради.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари етарлича жорий қилинмаганлиги оқибатида хом ашёни қабул қилиш, ташвиш ва қайта ишлаш, тайёр маҳсулотларни реализация қилиш жараёнлари устидан лозим даражада ҳисобот ва назорат тизими мавжуд эмас.

Пахта тозалаш корхоналарининг ресурс салоҳияти ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ўртасидаги номутаносибликнинг кўпайиши, шунингдек, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини диверсификациялаш бўйича чораларнинг ўз вақтида қўрилмаганлиги ишлаб чиқариш қувватларининг анча қисми бекор туришига ва иқтисодий йўқотишларга олиб келмоқда.

Пахтачилик тармоғи корхоналарини бошқариш тизимини, шу жумладан фаолият юритаётган ташкилотлар тузилмасини оптималлаштириш орқали такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ўртасида соғлом рақобатни ҳамда уларнинг самарали фаолияти учун қўлай ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароитларни яратиш талаб этилмоқда.

Пахта хом ашёси сифат кўрсаткичларини аниқлашга нисбатан эскирган ёндашувларнинг қўлланилиши маҳсулот тайёрлаш ва ишлаб чиқариш ҳажми ҳақидаги аниқ маълумотларнинг бузиб кўрсатилишига, бунинг оқибатида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг норозилигига, тармоқнинг инвестициявий жозибадорлиги ёмонлашишига олиб келмоқда.

Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш, юқори қўшилган қийматли рақобатбардор ва сифатли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уларни ирриқ хорижий бозорларга янада олиб чиқиш, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий Ислохотлар концепциясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 октябрдаги ПФ–5206-сон Фармони билан ташкил этилган "Ўзпахтасаноатэкспорт" ХКни тугатиш билан боғлиқ комплекс ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича комиссиянинг (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади):

"Ўзпахтасаноатэкспорт" ХКнинг "Ўзпахтасаноат" АЖ, "Ўзпахтабег" АЖ ва "Ўзпахтаэкспорт" АЖлари устав капиталдаги улушларини номинал қиймат бўйича давлат мулкига ўтказиш;

"Ўзпахтасаноатэкспорт" ХКнинг устав капиталига киритилган активларни давлат улуши сифатида "Ўзпахтасаноат" АЖнинг устав капиталига баланс қиймати бўйича ўтказиш, ушбу банднинг иккинчи хатбошига мувофиқ давлатга ўтказиладиган акциялар пакети бундан мустасно;

(Давоми 2-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох этиш, шунингдек, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Жорий йилнинг 28 ноябрь кун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис "Ўзбекистон Республикасининг "Ўрмон тўғрисида"ги Қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилишдан бошланди.

Таъкидлаш жоиз, қуйи палатанинг жорий йил 1 август кун бўлиб ўтган мажлисида ушбу қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинган эди. Уни ишлаб чиқиш ташаббуси билан Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи чиққан. Қонун лойиҳасини парламент қуйи палатасида кўриб чиқиш учун тайёрлаш жараёнида кенг қўламли муҳокама қилиш мақсадида лойиҳа тегишли тақлиф ва тавсияларни олиш учун тегишли вазирлик ҳамда идораларга, ННТга юборилганлиги депутатлар томонидан таъкидлаб ўтилди. Бундан ташқари, лойиҳа жамоатчилик муҳокамаси учун парламент қуйи палатасининг parliament.gov.uz веб-сайтига, шунингдек, Экоҳаракатнинг eso.uz веб-сайтига, facebook.com ижтимоий тармоғига жойлаштирилди. Натижада 250 дан зиёд тақлиф ва тавсиялар тақдим этилган бўлиб, улардан 18 таси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш доирасида маромига етказиш чоғида ҳисобга олинди.

Хусусан, қонун лойиҳасида ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, қўлайтириш, тақрорий қўлайтириш, қайта тиклаш, маҳсулдорлигини ошириш ва улардан

фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсади, асосий йўналишлари аниқлаштирилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ушбу соҳадаги ваколатларига тааллуқли модда киритилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ўрмон бойлиқларидан оқилона ва эҳтиёткорона фойдаланишга, шунингдек, ўрмон фонди ҳамда муҳофаза этиладиган ҳудудларни самарали бошқаришга, ўрмон экинларини барпо этиш, тақрорий қўлайтириш, муҳофаза қилиш ҳамда ҳимоя қилишга имкон бериши депутатлар томонидан қайд этилди.

Мажлис давомида депутатлар "Давлат мукофотлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Сўзга чиққанларнинг фикрига кўра, ушбу қонун лойиҳасида "Давлат мукофотлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги тахририни тасдиқлаш тақлиф этилмоқда. Қонун лойиҳасида давлат мукофоти тушунчаси аниқлаштирилмоқда, давлат мукофотлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан таъсис этилиши белгиланмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет эл давлат мукофотлари билан ҳам тақдирланиши мумкинлиги белгиланган.

(Давоми 2-бетда)



Спорт янгиликлари

ФУТБОЛ МАВСУМИ САРҲИСОБИ

“Пахтакор” клубининг 2017 йилги футбол мавсуми якунлари сарҳисоби ва футболчилар кўрсаткичлари эълон қилинди.

Ушбу мавсумда майдонда энг кўп вақт ўтказган футболчилар ўчилиги Владимир Козак, Александр Лобанов ва Игорь Сергеев бўлди. Жами 31 нафар футболчи мураббийлар томонидан майдонга туширилди. Улардан уч нафари биринчи даврдан сўнг жамоани тарк этишди – Аднан Ораховиц, Юрий Булат ва Хушнуд Авилов.

Бехруз Саъдуллаев атиги 12 дақиқа ўйнаган бўлишига қарамай, гол уришга улгургани эътиборга молик. Тўпурарлик борасида яна Игорь Сергеев ўзини кўрсатди. У рақиблар дарвозасини 13 бор ишғол қилишга эришди. Бездера иккинчи давранинг ўзида 4 тўп киритди. Нуруллаев, Козак ва Симиш эса учтадан голни ҳисобларига ёзиб қўйишди.

Сариқ карточка олиш борасида “рекордчи” Даврон Хошимов бўлди. У ҳакамлар томонидан 8 марта оғоҳлан-тирилган бўлса, Азим Аҳмедов ҳисобида 7 сариқ карточка мавжуд. Бир учрашувда икки мартадан сариқ карточка олиб, майдондан четлатилган футболчилар Лобанов ва Тожиев бўлишди.

РИНГДАГИ РАҚИБ ЎЗГАРДИ

Аралаш яккакураш жанглирида муваффақиятли фаолият олиб бораётган ҳамюртимиз Маҳмуд Муродовнинг рақиби Давид Рамирес чемпионлик жангига тайёр эмаслиги сабабли тўқнашувда қатнаша олмаслигини маълум қилди.

Шундай бўлса-да, спортчимиз ўша кунни бўладиган чемпионлик жангида рингга кўтарилади. Унинг рақиби чехиялик Томаш Пенз бўлади. “XFN” камари учун жанг 7 декабрь кун Прагадаги спорт аренасида ташкил этилади. Пенз фаолиятини 2006 йили бошлаган ва шу вақтга қадар 21 та профессионал жанг ўтказиб, 11 та

ғалаба ва 10 мағлубият қайд этган.

Эслатиб ўтамай, Муродов ва Рамирес ўтган йилнинг декабрь ойида ўзаро тўқнаш келган. Ўшанда жароҳат билан рингга чиққан Маҳмуд бразилиялик рақибига мағлуб бўлиб, “XFN” чемпионлик камарини бой берган эди.

Ботир ХҲЖАЕВ

СОҒЛОМ ТАНДА – СОҒ АҚЛ

Ёш авлодни ҳар томонлама жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши соғлигини мустаҳкамлашнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ота-оналар ҳам шуларни инобатга олган ҳолда ўз фарзандини ҳақиқатан соғлом бўлишини истаб, улар қизиққан ва мутахассислар тавсия этган жисмоний тарбия ва спорт машғулоти рағбати олиб борадилар. Шохида Очиловнинг учта фарзанди бор. Икки фарзанднинг соғлиги унча яхши бўлмагани учун шифокорлар уларни сув спорти билан шуғулланишга тавсия этган. Мана 5 йилдан бери икки фарзанд турар жойларига яқин бўлган Себзор даҳасида жойлашган сув спорти турларига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабига боради.

– Болаларим спорт билан шуғулланаётганларидан бери соғлиқлари яхши, – дейди қувониб Ш.Очилова. – Фарзандларингиз соғлом бўлса ота-онанинг бахти шу экан. Болаларимнинг соғлигини мустаҳкамлашда яқиндан кўмак берган мураббий-тарбиячи Екатерина Александровнага катта раҳмат дейман. Бу ерда шароитлар яхши. Ҳамма машғулотлар текин. Вақти-вақти билан мусобақалар бўлиб туради. Болаларим мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни олишмоқда. Шу билан бирга мактабда ўқишлари ҳам яхши.

Себзор даҳасида жойлашган маъруз спорт мактабининг Сабгон кўчасида ҳам филиали бор. У ерда

ҳам худди шу ердагидек шароит яратилган. Спорт мактабига болалар учун спортнинг бешта тури бўйича синхрон сузиш, сузиш, эш-как эшиш, сув полеси ва эш-как эшиш слалом бўлимлари мавжуд. Спорт сирларини 36 та мураббий-ўқитувчи ўргатиб келмоқда. Мактабдаги барча спортчилар миллий терма ва захирадаги жамоаларнинг аъзолари ҳисобланади. Катта ва кичик сув ҳавзалари, спорт заллари ҳамма болалар билан гавжум. Бу ерда қизиқарли машғулотлар, мусобақалар бўлиб туради.

Ушбу сув спорт турларига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабига ўз соҳасининг билимдонни, жонқуяр Луиза Хикматова 2007 йилдан бери раҳбарлик қилиб келмоқда. Шунинг ҳам айтмоқ лозимки, Луиза Хикматованинг ўзи 10 ёшдан бошлаб, кўп йиллар синхрон сузиш тури билан мунтазам шуғулланиб, Ўзбекистон Республикаси терма жамоаси аъзоси сифатида мусобақаларда иштирок этган. 1991 йили Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини тугатиб, синхрон сузиш бўйича хореограф ва мураббийлик фаолиятини давом эттирган.

Ҳақиқатан ҳам ушбу спорт мактабига сузишнинг турли йўналишларда эришяётган ютуқлари барчани қувонтиради. Мамлакатимиз-

да бўлиб ўтадиган “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларида қатнашаётган ёш спортчилар доим фахрли ўринларни эгаллаб қилишади. Улар ҳатто халқаро мусобақаларда ҳам иштирок этиб туришади. Спорт мактабининг аjoyиб спортчиларидан ҳисобланган Шохида Зоҳидова билан Хуршида Ҳакимовалар “Зулфия” номидаги давлат мукофоти совриндорлари ҳамда мураббий-ўқитувчилардан Алина Пиантовская “Дўстлик” ордени ва Оксана Бортиковаларнинг “Соғлом авлод учун” медали билан мукофотланганликларига катта ютуқ.

Шу йил 8-16 сентябрь кунлари Тошкентда сув спорт турлари бўйича 9-Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда қатнашган спортчилар сузиш бўйича умумий жамоа ҳисобида 3-ўринни эгаллашди. 14-17 сентябрь кунлари Самарқанд вилояти Тойлоқ туманида очик Осиё кубоги ўтказилди. Унда иштирок этган ушбу спорт мактаби спортчилари 13 та олтин, 13 та кумуш ва 10 та бронза медали соҳибига айландилар. Мақолаимиз ниҳоясида ушбу сув спорти мактабига саломатлигини тиклаётган барча спортчилар ва уларнинг меҳрибон мураббийларига омадлар тилаймиз.

Азиз ЁКУБОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист

МАЪНАВИЯТ САБОҚЛАРИ

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида Ўзбекистон “Ветеран” жангчи-фахрий ва ногиронлари бирлашмаси ҳамда ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Бу каби тадбирлар ёшларда Ватанга муҳаббат, жасорат ва матонат туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Жасорат сабоғи аввалида “Ўзбекистон” Миллий агентлиги томонидан тайёрланган “Унутилмаган қаҳрамонлар” номли ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Тадбирда сўз олган Тошкент давлат техника университети проректори Анвар Алимов, Ўзбекистон “Ветеран” жангчи-фахрий ва ногиронлари бирлашмаси қошидаги “Ватанпарвар фидойилар” жамоаси директори Журъат Фуломов, чегара қўшинлари фахрийси, полковник Мурод Солиев ва бошқалар Ватанини ҳимоя қилиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи ҳамда қандай буюк шарафлигини ва бу шарафга ҳар ким ҳам эриша олмаслигини, ҳозирги кунда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, юртимизда ҳукм сураётган тинчликни асраб-авайлаш, бундай кунларнинг қадрига етиш зарурлигини таъкидлаб ўтишди.

– Ватан – бу инсонга ато этилган энг улуғ неъмат, аждодларимизнинг уйғоқ руҳи кезиб юрган табар-

рук гўша, – дейди университетнинг Маънавият-маърифат бўлими услубчиси Жамшид Турсунов. – Ватан унга бўлган муҳаббатдан юксалади, ардоқланади. Ватан асл ватанпарварлар кўксига ҳар қандай эъзоз ва ҳимоя топади. Дунёда шарафли вазифалар жуда кўп, аммо улар ичида киндик қонинг томи Ватанингни ҳимоя қилиш шарафларини ичра шарафлисиндир. Тадбирда сарҳадларимизнинг дахлсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар фуқароларнинг тинч-осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш ва жамият тараққиётини юксалтиришнинг муҳим омили бўлаётгани таъкидлаб ўтилди.

Учрашув сўнггида талаба-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олишди. Шунингдек, тадбир иштирокчилари Ўзбекистон “Ветеран” жангчи-фахрий ва ногиронлари бирлашмаси қошидаги “Ватанпарвар фидойилар” жамоаси бадий раҳбари, захирадаги майор А.Хамроев томонидан ижро этилган ҳарбий-ватанпарварлик қўшиқларидан баҳраманд бўлишди.

Зиёда РАСУЛОВА

“101”

БЕПАРВОЛИК —
УМР ЗАВОЛИ

Ўзингизга маълум, қиш фаслида фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжи ошади. Турган гапки бундай пайтда газ ва электр жиҳозларидан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқибатида ёнғин келиб чиқиши ҳам кескин ошади.

Афсуски, ҳодимлар томонидан қатор ибратли ишлар олиб борилаётганлигига қарамай, турли сабабларга қўра ёнғинлар содир бўлмоқда. Улар соғлигимиз, фарзандларимиз келажагига салбий таъсир этмаслиги учун эса ҳар биримиз ёнғинга қарши, унинг олдини олиш учун фаол қўрашишимиз зарур. Шунингдек, ноҳушликларнинг олдини олиш учун ўзимиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишимиз билан бирга болаларимизга ўргатиш катта аҳамиятга эга.

Ёнғин чиқмаслиги учун жойларда тозалаш ишларини қўчайтириш лозим. Қўчаларда йиғилиб қолган қўрққ ўтлар, май-ший чикиндилар ва шох-шабаларни ўз вақтида олиб ташлаш, болаларга эҳтиёткорликни ўргатиш ва ўймаган сигарета қолдирини ҳар ерга, айниқса тез алағга олувчи нарсалар бор жойга ташламаслик даркор. Шундангина биз осойишта-лигимизга раҳна солувчи хавфни қамайтиришга эришамиз.

Ҳаёт НОЗИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
ЎХБ инспектори, лейтенант

Азим Тошкентда йил сайин қурилишлар кўлими тобора ортиб бормоқда, қуриб битказилаётган бинолар шахримизнинг кўрқига-кўрк қўшмоқда.

Пойтахтимизда қурилаётган бинолар, ўзининг бетакорлиги билан ажралиб туради. Баъзи ҳолларда қурилиш масканларида ёнғинлар содир бўлаётгани ачинарли ҳол. Ёнғинлар қурилиш вагонларида юз бериб, уларнинг асосий сабаблари қўлбола электр иситиш асбобларидан ва носос электр симларидан фойдаланиш қоидалари бузилиши оқибатида содир бўлмоқда.

Республикамизда ҳаво ҳароратининг пасайишини инобатга олган ҳолда сизларни қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишингизни сўраймиз:

- Қурилиш уйчаларида электр иситиш анжомларидан фойдаланиш, газ балонлар ва ёнғил ёнғичи моддаларни сақлашмаслик лозим.
- Худудда бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминланганлиги эътибор қаратинг.
- Ёнғин чиққанда дарҳол “101” рақами орқали хабар бериб, ёнғинни барча мавжуд воситалар билан ўчириш керак.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар, ҳонадон ва ишхонада ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларига риоя қилмас, ўзимиз ва фарзандларимиз, уй-жойимизни, давлат мол-мулкни ўт бало-сидан сақлаган бўламиз.

Асом ҚАМБАРОВ,
“Маърифат маркази”
ЎХБ инспектори, сержант

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ҳодимлари томонидан Учтепа тумани Чилонзор 23-даҳасида жойлашган “VETA SERVICE IKKINCHI” ХУЖМШ раҳбари Т.Раззоқов ҳамда кўп қаватли аҳоли турар жойларида истикомат қилувчи фуқаролар билан “Тилсиз ёв”нинг олдини олишга қаратилган учрашувлар ўтказилишига қарамасдан ёнғин содир бўлган.

Маъруз ХУЖМШ раҳбари ва ишчи-ҳодимлари томонидан кўп қаватли уйлар олдида йиғиб ташланган ҳазонлар ўз вақтида худуддан олиб чиқиб кетилмаслигини охири устига билан яқунланди. Ўтқични фуқаролар томонидан ҳазон ва ёнғин сигарет қолдирини ташлашнинг ҳамда назоратсиз қолдирилган ёш болаларнинг шўлиги оқибатида ёнғин содир бўлган.

Ёнғин хавфсизлиги ҳодимлари ўз хизмат вазифаларидан келиб чиққан ҳолда жойларда турли тарғибот тадбирларини ўтказишдан қўзғалган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни қўчайтириш, уларнинг олдини олишга аҳолини жалб қилишдан иборат.

“Хизмат ёв” билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ҳодимларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини унутмаслик лозим.

Гофуржон ИСАНБОВ,
Учтепа тумани ЎХБ инспектори, сержант

Жорий йилнинг 2 август кун Яшнобод тумани М.Ашрафий кўчасида жойлашган “Shukran fast food service” МЧЖга қарашли бўлган “Беш бола бургер” умумий овқатланиш жойида ёнғин содир бўлаётганлиги тўғрисида телефон орқали хабар тушди.

Қаққилган манзилга Тошкент шаҳар гарнизонидан жами 4 та навбатчи жанговар ёнғин ўчириш экипажлари юборилган.

Умумий овқатланиш залининг ички ва том қисми ёнаётганлиги аниқланган ва ёнғин хавфсизлиги ҳодимлари томонидан ёнғин бартараф этилди.

Ёнғин сабаби умумий овқатланиш жойининг зал қисмининг деворида жойлашган электр қутбини носолиги ва қисқа туташув содир бўлиши натижасида келиб чиққан деб топилди. Ишчиотдаги электрдан соз ҳолда фойдаланмаслик натижасида чиққан ёнғин айбдорни аниқлаб, тегишли шахсга ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузганлиги учун маъмурий чора қўрилди.

Яшнобод тумани Ёнғин хавфсизлиги бўлими ҳодимлари ёнғинни ўчиришдан қўра, унинг олдини олиш афзаллигини эслатиб ўтади.

Файрат РАСУЛОВ,
Яшнобод тумани Ёнғин хавфсизлиги бўлими
Ёнғин назорати ва профилактика ишлари
бўйича бошлиқ ўринбосари, сержант



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

фидо бўлади, кундузи — 7-9 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 30 ноябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 30 ноябрь кун ҳаво ўзгариб турди, ёлғизчилик бўлмади. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шомол эсади. Ҳарорат кечаси — 1 даража совуқ, 1 даража илқ атро-